

ХАЙВОНЛАР ФИЗИОЛОГИК ВА МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ ВА ЗООГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Қўлдошев О. У., Мавланов С.И.,

Мамутов А., Бобоназаров Э.,

Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлигини ошириш, соғлом бола олиш ва уларни асраб, нобуд бўлишини олдини олиш, ветеринария мутахассислари ва олимларнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Бу чорвачилик соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил ПҚ-308 ва 2008 йил апрел ПҚ- 842 қарорларида ўз аксини топиб, чорвачиликка бўлган эътиборни янада кучайтирди. Республикада чорвачилик маҳсулотлари гўшт, сут, жун, тери, тухум ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш учун чорва моллари ва паррандаларни ҳар хил касалликлардан нобуд бўлишини камайтириш, шунингдек, моллар сонини кўпайтириш ва оладиган маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки ҳайвонлар касалликларини даволашдан кўра унинг олдини олиш ветеринария мутахассислари ва олимлари олдида турган муҳим вазифадан биридир. Бу масала ривожланган мамлакатларда, яъни ҳайвонлардан юқори маҳсулот олиш ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг бирдан-бир омили бу зоогигиеник ва ветеринария-санитария тадбирлари ва ишларини талаблар даражасида олиб бориш деб тан олинган.

Мақсад ва вазифалар. Ҳозирги даврда Республиканинг турли биоэкологик минтақаларида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳар хил мослаштирилмаган биноларда, эски лойиҳасиз қурилган, молхона ва айвонларда шаҳар ва қишлоқларда тартибсиз ҳолда жойлаштирилган. Бундай жойлашиш ва ҳар хил ёшдаги ҳайвонларни бир бинода сақланиши, улардан ташқи муҳитга чиқадиган ҳар хил чиқиндилар(гўнг, оқова сувлар, ифлосланган ҳаво, микроорганизмлар, ёкимсиз хидлар ва бошқалар) экологияни заҳарлаб, аҳоли учун эпидимиологик хавф туғдиради.

Республикамизнинг табиий-иклим шароитларини ўзига хос об-ҳавоси, иқлими айниқса, баҳор, ёз ойларида ташқи муҳитнинг жазирама иссиқликлари ва қуёш нурунини тўғридан-тўғри ҳайвонлар танасига кучли ва салбий таъсири натижасида ёш молларда физиологик ўзгаришлар пайдо қилиб, иссиқ уриш, ўсиши ва маҳсулдорлигининг пасайиши ҳамда ҳар хил касалликларга чалинишига олиб келади.

Тадқиқот услуби. Чорвачилик фермаларида зоогигиеник ва ветсанитария меъёрларининг бузилиши, кўп салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, зоогигиеник меъёрда белгиланган ҳаво ҳароратининг 15-20 °С дан юқори бўлиши молларда нафас олиш ва юрак уришининг бир неча марта ошишига, тана ҳароратининг 0,5-0,7 °С га кўтарилишига олиб келади ёки 30°С даражада, айниқса, қуёш нурунини тўғри тушиши натижасида нисбий намликнинг камайиши туфайли сигирларда нафас олиш физиологик меъёрга нисбатдан 2-3 марта камайиши ва сут маҳсулдорлигининг пасайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун фермаларда ҳаво алмашинувини яхшилаш, ёзда соявонли айвонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишда туғиш хоналарининг иссиқ бўлиши, ҳаво алмашинувининг яхшилашни таъминлаш, ҳозирги вақтда хусусий-микрофермерларни пайдо бўлиши ҳам алоҳида ветеринария-санитария тадбирларини, зоогигиеник меъёрларни ҳайвонлар ёшига қараб, технологик жараёнларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Юқоридаги муаммоларни ечимини топиш ва шу асосда чорвачилик фермаларида ва фермер хўжаликларида ветеринария-санитария тадбирлари мониторинги ва уларни касалликлардан ҳимоялаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш мақсадида турли биоэкологик иқлим шароитларда қурилган биноларда сақланаётган бўғоз сигирларнинг табиий чидамлилиқ, маҳсулдорлик ва касалликларга чалиниш даражасига сақлаш ва озиклантириш меъёрларининг таъсирини ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажриба натижалари. Тажрибалар Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги “Боғизоғон”, “Қўшчинор”, “Чорво-барақа”, С.Назаров номли сутчилик фермаларида, Пасдарғом тумани “Бибисора”, “Акмал БАО”, “Имом ота” чорва фермер хўжаликларида, Пайариқ тумани “Мамур ота”, “Рисола” чорва фермер хўжаликларида, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Тоза уруғ насил чорва” маъсуляти чекланган жамият фермер хўжаликлари ферма ва фермер хўжаликларида сақланаётган бўғоз сигирлар мисолида олиб борилди.

Мисол учун Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги "Рисола", "Мамур ота" сугчилик фермаларидаги жами 50 бош сугирга мўлжалланган фермаларни келтирамиз. Бунинг учун фермадаги бугоз сугирлар икки гуруҳга(тажриба ва назорат) ажратилди.

Тажрибадаги молхонада жами 20 бош сугир бўлиб, шундан(10 бошнинг) клинико-физиологик, гематологик, маҳсулдорлигига микроиклим, озиклантириш ва асрашнинг таъсири ўрганилди.

Тажриба гуруҳлари биносидида микроиклим шароитларини ташкил қилиш мақсадида вентиляция шахобчалари реконструкция қилиниб, фермада қўшимча 3-4 данадан ВО-5,6м маркали сўрувчи вентиляторлар полдан 0,80 м ёнбош деворларига ўрнатилди ва бир суткада белгиланган режимлар асосида ишлатилди. Булардан ташқари бино ҳавосидаги шартли- патоген микроорганизмларни йўқотиш мақсадида тажрибадаги молхонага 2,5 м баландликда икки дондан ПРК-2 ва бузоқхонада қўшимча икки дондан ДРТ-1 юкори босимли лампалар ўрнатилди. Бу технологик ўзгаришлар, ўз навбатида, озиклантириш, алоҳида парваришlash ва ветеринария хизмати кўрсатишга қулайлик туғдиради.

Тажрибадаги молхоналар йил давомида уч марта 20 %ли оҳак эритмаси билан оқланди ва икки марта ўтовчи натрийнинг бир фоизли эритмаси билан дезинфекция қилинди. Булардан ташқари, молларга 2-3 соатлик моцион ташкил этилди.

Олдинги тадқиқотлардан маълум бўлишича фермалардаги молларга бериладиган ем-хашакнинг таркибида микроэлементлар керакли микдорда эмаслиги аниқланди. Шунинг учун моллар рационига, умумий бериладиган озуқанинг 1 %ни ташкил қиладиган витамин ва микроэлементлар аралашмаси(ZOOMIX-A super) керакли микдорда қўшиб берилди.

Назорат гуруҳидаги молхонада 4 та табиий(1,5-0,60 м ўлчамдаги) шамоллатиш шахталари мавжуд бўлиб, табиий ёритиш билан таъминланган. Бу бинода жами 20 бош сугир мавжуд бўлиб, улар боғлиқ ҳолда, фермада қабул қилинган технология асосида боқилади.

Тадқиқотлар давомида бизлар назорат гуруҳидаги(10 бош) молларнинг ҳам клинико-физиологик ҳолатига, маҳсулдорлигига ва қон кўрсаткичларига эътибор бериб текширдик. Буларни умумий қабул қилинган услублар ёрдамида аниқладик.

Чорвачилик биноларининг микроиклим кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, тажриба гуруҳидаги молхона ҳавосининг ҳарорати йил давомида 6-28,4°C(17,6), нисбий намлик 54-89(63,1) фоизни, баҳор-ёз ойларида ўртача 20,5 °C(10-29,8), нисбий намлик эса 61 %(56-22) оралиғида бўлди. Бу кўрсаткичлар сугирлар учун оптимал ҳисобланади. Молхонадаги зарарли газлар микдори аммиак 19,8(12-24,6) мг. м³, карбонат ангидрид 0,18(0,14-0,24) %, меркаптан 3,8(2-7,2) мг. м³ оралиғида бўлиб, шартли микроорганизмлар сони 48,7(36,6-106,7) минг м³ бўлганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар бугоз ва соғин сугирларга салбий таъсир қилмайди.

Тажриба гуруҳидаги ҳар кунги бериладиган 2-3 соатлик моцион, рациондаги қўшимчалар, ветсанитария ва зоогигиеник шароитларни тўғри ташкиллаштириш эвазига бугоз сугирлардан олинадиган бузоқларнинг 60-70 % дан 75-80 % кўтарилишига, табиий чидамлилигини ошишига, гематология ва клинико-физиологиясининг меъёрга бўлишлигига олиб келди.

Мана шундай зоогигиеник ва технологик шароитда асралган бугоз сугирларнинг туғиши ҳам нормал ҳолда бўлиб, туққандан кейинги сут маҳсулдорлигини ва унинг ёғлилиқ даражасининг кўтарилишига олиб келди, яъни сут маҳсулдорлигининг 12,6(8,7-15,9) кг. гача, ёғлилиқ даражасининг ўртача 4,0 % бўлишлигини таъминлади.

Назорат гуруҳидаги молхона микроиклим кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, қиш ойларида бино ҳавосининг ҳарорати ўртача 6,6(4,9-8,5)°C ни, нисбий намлик 76,5(62-96) % ни ташкил қилди. Бунда ҳаво ҳарорати кескин 4 даражагача пасайиши, нисбий намликнинг 10-17 % га ошиб кетиши, айниқса, назорат гуруҳидаги сугирларнинг кунлик сут маҳсулдорлигининг тушиб кетишига олиб келди.

Қиш ойларида эшик, дераза ва шахталарни ёпиқ бўлиши ҳамда 4-6 марта ҳаво алмашинуви натижасида зарарли газлар микдори зоогигиеник меъёрдан ва тажриба гуруҳига нисбатан аммиак 13,8 % га, карбонат ангидрид газининг 33,8 %, микроорганизмлар сонининг 2-2,5 марта ортиқ эканлиги аниқланди.

Назоратдаги бинода зоогигиеник ҳароитнинг меъёрга бўлмаслиги эвазига соғин сугирлардан қиш ойларидаги кунлик сут соғиш, тажрибадаги молларга нисбатан 1-1,5 марта камайишига олиб келди.

Бу гуруҳ молларининг қон кўрсаткичларидан: эритроцитлар микдори 5,8 млн. Мкл. лейкоцитлар 9,4 минг. Мкл. эритроцитлар чўкиш тезлигининг 0,4-0,8 мм.соат бўлиб, касал моллар сони 13 бошни ташкил қилди. Ўтиш(баҳор ва куз) ойларида назорат гуруҳидаги бинодаги микроиклим кўрсаткичлари зоогигиеник нормага яқин бўлганлиги сабабли ҳайвонлар организмига салбий таъсир кўрсатмади.

Ёз ойларида ташқи муҳитнинг кескин қизиб кетиши натижасида назорат гуруҳидаги молхона ичидаги ҳарорат ўртача 29,7(24,6-32,8)°C, нисбий намликнинг 45(41-68) %, аммиак микдорининг 26,2 мг.

м³, СО₂ ни 0,24 % бўлди. Бу факторларнинг соғин сигирлар сут маҳсулдорлигининг 7-8 литрга тушишига ёки тажрибадаги моллар сут маҳсулдорлигига нисбатдан 18-24 % камайишига олиб келди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки назоратдаги бинода моционни йўқлиги ва шартли патоген микроорганизмлар сонининг кўпайиши, яъни 41,7 минг. М³ бўлиши молларнинг 33 %нинг ҳар хил касалликлар билан, айниқса, жинсий аъзолар касалликларининг 30-40 %га кўпайиши кузатилди.

Тажрибадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги назоратдаги сигирларникига қараганда 1,2-2,6 литрга кўп бўлиши, ветсанитария ва зоогигиеник тадбирларнинг ижобий натижасидан далолат беради.

Пасдарғом туманидаги “Бибисора”, “Акмал БАО” ва “Имом ота”, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани тумани “Тоza уруғ насил чорва” маъсуляти чекланган жамият сўтчилик фермаларида ҳам худди шу тадбирларни қўллаш натижасида тажрибадаги молларнинг сут маҳсулдорлиги назорат гуруҳидаги молларнинг сут маҳсулдорлигига нисбатдан 1,0-1,8 л., 1,5-2 л. ошиши ва ёғлилик даражасининг ўртача 3,8 % - 4,0 % бўлиши, касалланиш даражасининг 10-13 % камайишига олиб келди.

Чорвачилик фермаларидаги бўғоз сигирлар сақланадиган биноларда зоогигиеник ва ветсанитария ишларини тўғри ташкил қилиш, 2-3 соатлик моцион, соявоқли айвонларда сақлаш, айниқса, жазирама иссиқ шароитларда молхонадаги қулайликлар эвазига касалланиш даражаси 10-13 % камайди ва ҳар 100 бош сигирдан 85-90 та бола олишга эришилди.

Хулоса: Тажриба ўтказилган ҳўжаликларда бўғоз сигирларнинг физиологик ҳолати, табиий чидамлилиги, туғишдан кейинги касалликлар(йўлдош ушланиб қолиши, эндометрит, туғиш парези ва бошқалар) га жорий қилинган ветсанитария ва гигиеник тадбирлар ижобий таъсир кўрсатиб, бола олиш 70-75 % дан 85-90 % га кўтарилди ва туғишдан кейинги касалликларнинг 15-25 % га камайишига олиб келган бўлса, соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг 18-24 % га ошишига олиб келди.

Резюме:

Разработанные ветеринарно-санитарные мероприятия позволяют более интенсивно и дольше использовать высокопродуктивных животных а также максимально сократить послеродовых болезни(Эндометриты, задержание последа и др.), количество бесплодных коров, повышение продуктивности животных.

Summary:

All the year round keeping of young animals, cattle, in small bordered places, indoors violates number of zoo hygienic, technologic factors, make worse clinic and physiologic state of animals. It causes the lowering of the natural resistance.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Организация зоогигиенических режимов и технологических премов содержания крупного рогатого скота на фермерских хозяйствах" Рўзиев Ш. М. ва бошқалар. Самарканд – 2005 й.
2. "Турли табиий таъсирлардан сунг бузокларни ўсиш ва ривожланиши" Избосаров У.К., Мусинов Я.Х., –Самарканд, 1997 й.
3. Мухит ва озиклантиришнинг бузоклар организмга таъсири. Ветеринария соҳаси учун дори дармонлар яратиш, синтез қилиш ва ишлаб чиқариш муаммолари. –Самарканд – 2004 18-19 май. Қўлдошев О. У., Тугалов Б. Салоҳиддинова Х.С.
4. Дехкон - фермер ҳўж-да. Корамолларни ўстиришнинг зоогигиеник шарт-шароитлари. –Самарканд – 2004. 3-Республика Илмий Конф. Вет-я соҳаси учун дори-дармонлар яратиш синтез қилиш ва и/ч муаммолари. Қўлдошев О. У., Негматов Б.С., Салоҳиддинова Х.С.
5. Власов С.А. Фетоплацентарная недостаточность коров(Диагностика, профилактика) Автореферат дисс. на соиск. уч.степен.док.вет.наук. Воронеж, 2000. –40 стр.
6. Заянчковский И. Ф. Задержание последа и послеродовые заболевания у коров. –М.:Колос, 1964. –384 стр.
7. Crigora C. etu ail //Rev. cristera anim. №1.p. 38-39.
8. Dzuivie A. et al // Veterinaria, Saragevo, 1976. – 112 –p.141-145.